



БАХШИЛИК САНЬЯТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Шомирза Турдимов

ЎзР ФА, ўзбек тили, адабиёти ва фольклори  
институти, Фольклор бўлими бошлиги  
Филология фанлари доктори

Бахшилик санъатини қайта жонланиши, янгидан кучга эниб ривожланиши, келажак авлодларга асл қадрият сифатида етиб, сингишида Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрдаги "Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида" ги қарорининг эълон қилиниши ва шу қарор асосида Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивали ва "Жаҳон бахшилик санъатининг ўрни" мавзусида халқаро илмий амалий конференциянинг ташкил этилганлиги, 2021 йилнинг сентябрь ойида, Нукус шаҳрида иккинчи фестивалнинг бўлиб ўтгани ва "Бахшилик санъатининг жаҳон маданияти цивилизациясида тутган ўрни" мавзусдаги илмий амалий конференциянинг фестивал доирасида юксак мақомда ўтказилгани, 2019 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарорининг эълон бўлиши, унда Республика Бахшичилик санъати маркази ва бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармасини ташкил этишнинг қўзда тутилгани, бахшичилик санъатининг илмий-назарий, амалий асосларини чукур ўрганиш, мустаҳкамлаш, бахши-шоирлар, фольклоршунос олимлар, ўқитувчи, мутахассисларнинг ижодий-илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш Марқазнинг асосий вазифаларидан этиб белгиланганлиги, Маданият вазирлиги тизимидағи муассасаларни бахшичилик санъатига оид зарур адабиётлар, ўкув қўлланмалар, даврий нашрлар билан таъминлаш, бахшичилик санъати билан боғлиқ илмий тадқиқотлар, нашр ишлари ҳамда комплекс илмий экспедицияларни молиялаштириш каби вазифалар Жамғарманинг зиммасига юкланганлиги мисли кўрилмаган янгиликлар бўлди. Хусусан Самарқанд вилоятидаги Қўргон қишлоғида Эргаш Жуманбулбул ўғли уй музейининг қайта курилиб, жиҳозланиб маънавият масканига айлантирилгани ва барча санаб ўтилган тадбирлар Президентимизнинг мамлакатда халқнинг маънавий қадриятларига эътибори ва ғамхўрликнинг тизимли равишда оқилона давлат сиёсати даражасида йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Ўтган йилнинг 16



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2022"

декабрида ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматларо қўмитаси XVI сессияси доирасида Бахшичилик санъати Ўзбекистоннинг номоддий маданий мероси элементи сифатида Инсоният номоддий маданий мероси Репрезентатив рўйхатига киритилиши, мамлакатимизда бахшилик санъатининг сакланиб қолиши, ривожланиши, илмий-назарий кўламда ўрганилиши, келажак авлодларнинг маънавий мулки сифатида халқ қўнглидан муносиб ўрнини топиши йўлда амалга оширилаётган хайрли ишларнинг халқаро эътирофи бўлди, дейишга ҳақлимиз.

Бахшилик санъати ҳам барча тирик борлик маҳсуллари қатори бир жойда қотиб қолган, мутлоқ ўзгармас бир ҳодиса эмас. Вақт ўлчами унинг харакат мезони, ритмини ўз оқимида олиб ривожланиши бор ҳақиқат ва борлиқ қонунларига уйғун келади. Вақт ўлчамининг ҳам ўз оҳанг мавжуд. Санъат, хусусан мусиқа ва бошқа жанрлар ичида ҳам бу оҳанг мавжуд ва ҳар бир даврнинг ўз оҳанг бўлади. Бу оҳангни замон, мавжуд шарт-шароит, кенг маънода инсоннинг бутун коинотда кечаётган ҳаракат оқимига уйғун яшапи пайдо қиласи. Айни ҳолатни ўтган XX аср давомида ўзбек қўшиқчилигида оҳангнинг қанчалик янгиланганлигини ўттизинчи, эллик-олтмишинчи, етмиш-саксонинчи, икки мингдан сўнги ва кейинги давр намуналарини сиртдан кузатиб солишибириб кўриш орқали ҳам илғаш ортиқча билим ва малака талаб қилмайди. Бир сўз билан айтиса, оҳангдаги шиддат, жадаллашув тобора сикилиб келаётган вақт маромига боғлиқ кечеётганини англаш мумкин ва кузатувчини бу ўзгаришлар бир жиҳатдан ҳайратга солса, иккинчи тамондан маълум хulosалар чиқаришига асос бўлади. Бу хил янгиланиш халқ маънавий ҳаётининг барча соҳаларида бир хил юз берайтганлигининг табиий жараён эканлигини кўрсатади. Айни ҳолатни бахшилик санъатида рўй берайтгани бахшиликнинг ҳам умум қонуният ўзанида ривож топаётганидан далолат беради. Тадқиқотчиларнинг кузатишларига кўра Хоразм воҳасида ўтган асрнинг 50-йилларида бошланиб, ички овоз тўлиқ сиртқи овозга, қўшиқ йўлига ўтган ва тезлашган бўлса, (чунки XIX аср бошларида Хивага ташриф буюрган сайёҳ хон саройидаги бахшилар бўғиз товуши орқали достон куйлашганини қайд этган эди) Қашқадарё-Сурхондарё бахшичилигида эса 70-йиллардан бошлаб ички овоз сиртга кўча бошлади. Ҳозирги вақтда бир қатор бахшилар, хусусан ёш авлод вакиллари ижросида ташқи – қўшиқ оҳангнинг устувор қўриниш олаётганини кузатишмиз мумкин. Шу ўринда Ўзбекистон халқ бахшини Абдуназар Паёнов Мамарайим Қобил деган кекса бахшининг: "Илгариги



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2022"

бахшиларнинг овози кўкракдан паст – қориндан чиқарди, кейингилар кўкракка бўйин бирлашган жойдан айтадиган бўлди. Сизлар кекирдақдан айтаяпсизлар, эндинилар танглайдан куйлаяпти", - деб айтган сўзларини такорп бўлса-да эслатиб ўтиш керак бўлади. Айни ҳолатлар бахшилил санъатида ижроининг ички овоздан ташки овозга ўтиши шунчаки пайдо бўлиб қолаётган ҳодиса эмаслигини, бу ўзгаришлар ритмини, сабабларини, умуман эпос ижросида рўй берадиган янгиланишларни дала ёзувлари мисолида, йиллар кесимида, бир ижроининг агарда материаллар мавжуд бўлса қиёсан ўрганиш кераклигини тақиқотчидан талаб этади. Айни тадқиқотлар чиқарадиган хулосалар бахшилил санъатининг тақдири, ҳалқ маънавий ҳаётидаги ўрни ва истиқболини белгилашда ўта муҳим назарий ечимларга келиш учун замин бўлади.

Бугунги кунда беш-олти достонни бошдан адок тингловчилар талабига мос ижро этиб берувчи бахшиларнинг саноқли эканлигини ёдга олсак, улар ижросидаги намуналарни замонавий техник воситалар билан илмий дастур асосида ёзиб олиш зарурати аллақачон етиб келганлиги маълум бўлмоқда. Чунки анъанага содик қолган бахшилил ижросини яна қайта тиклаш эҳтиёжи республиканиг барча худудларида маънавий эҳтиёжга тўлиқ айланди. Биз ҳозирда Қўргон, Булунғур, Нарпай каби ўзбекнинг мумтоз эпосларини мерос қолдирган бахши-шоирларнинг қандай оҳангда достон куйлаганликларини аниқ тасаввур эта олмаймиз. Чунки уларнинг овози ўз вақтида ёзиб олиб қолинмаган. Холбуки, Бола бахши: «Абдулла шоир сахнага чиққанда, бошқа бахшиларга навбат тегмас эди», – деб гувоҳлик берар экан (Т.Мирзаев, Етмишбой бахшилар гувоҳлик беришди), хоразмлик машҳур бахшининг бу икрори шаҳрисабзлик Абдулла шоирнинг қандай ноёб овозга эга бўлганлигини сиртдан ҳис этишимизгагина хизмат этади холос.

Бахшининг эпик билим ва бахшилил маҳоратини мукаммаллаштириши учун биргина қизиқиш ва талант, иқтидор камлик қиласи. Эпик билим фақат достончилик анъаналари гуркираб турган бахшилил мактаби доирасида мавжуд, деб тушуниш ҳам тор англамдир. Эпик билим бахшилар билан бир қаторда кенг тингловчи оммаси билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Тингловчи ва ижрои орасидаги узилиш эпик билимнинг кемтик бўлиб қолишига олиб келади. Бугун омманинг эпик билимга эга бўлишида тарғибот ишлари радио ва телезрандаги саноқли эшиттириш ва кўрсатувлар доирасида қолиб кетмаслиги зарур. Бахши ва бахшичилик санъатини ёш авлодга етказишида мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган адабиёт дарсликлари камлик қиласи. Чунки дарсликларда асосан матнга кўпроқ ургу берилган, куй ва ижро



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2022"

сиртда қолиб кеттган. Шу сабабли биринчи галда баҳшичилик анъаналари давом этаётган худудлардаги санъат йўналишига ихтисослашган ўкув масканларида маҳсус баҳши, ҳалфаларни тайёрловчи синфларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бу ишга устоз баҳши-шоирлар, мутахассис-олимлар жалб этилиб, дарслик ва қўлланмалар яратишса, бошқа йўналишдаги мактабларда ҳам баҳшилик санъати ҳақида кенгроқ билим бериш йўллари топилса, омманинг эпик билими янада кенгайишига хизмат этиши аниқ.

Республика миқёсида баҳши, жиров, оқинларнинг қўрик танловларини ҳам янгилангандар талаблар асосида мунтазам ўтказиб туришни давр талаб қилмоқда. Баҳши-шоир, жиров, оқин ва ҳалфаларнинг қўрик-танлови шунчаки уюштирилувчи тадбир эмас. Ҳар бир танлов бу қадимий санъатнинг бугунги ҳолатини ва истиқболини белгилашда катта аҳамиятга эга. Аввало, танлов достончилик анъаналарини давом эттириб келаётган баҳшиларни аниқлаб беради. Ёш баҳшиларнинг ижодий, амалий маҳоратларини ошириб боришига кўмаклашади. Уларни эл эътиборига тушишига сабабчи бўлади. Устоз-шогирд муносабатларидағи анъанавий ҳолатларда юз берган ўзгаришларни қузатиш, эпос ижросининг жонли оғзаки ҳолатда сақланиш ҳолатини, баҳши репертуаридаги ноанъанавий ҳолатларнинг сабаб ва оқибатларини ўрганишга ёрдам қиласи. Шундай экан баҳшичилик ривожига хисса қўшувчи барча тадбирларга кенг йўл очиш лозим.